

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САБИРОВ ХАСАН НУСРАТОВИЧ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ**  
**ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)  
on economics sciences**

**Сабилов Хасан Нусратович**

Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденцияларини эконометрик  
моделлаштириш ..... 3

**Сабилов Хасан Нусратович**

Эконометрическое моделирование тенденций развития пищевой  
промышленности..... 23

**Sabirov Khasan Nusratovich**

Econometric modeling of development trends in the food industry ..... 45

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.01.2021.I.16.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**САБИРОВ ХАСАН НУСРАТОВИЧ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШ**  
**ТЕНДЕНЦИЯЛАРИНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Iqt935 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdiu.uz](http://www.tdiu.uz)) ва «Ziynet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Алимов Раимжон Ҳақимович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаев Ильёс Султанович  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Адизов Санжар Рашидович  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:


Тошкент молия институти


Диссертация химояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.01.2021.I.16.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «28» 09 соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72, факс: (99871) 239-41-23, e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).)


Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1086 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил:100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72).

Диссертация автореферати 2021 йил «15» 09 куни тарқатилди.  
(2021 йил «15» 09 даги \_\_\_-рақамли реестр баённомаси).



  
Г.К. Абдурахманова  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

  
Б.Д. Хажиев  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

  
Н.М. Махмудов  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш комиссиясидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда глобализация жараёнининг чуқурлашуви, айниқса COVID-19 эпидемияси билан боғлиқ муаммолар озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденцияларига кучли таъсир кўрсатди. Жаҳонда аҳолининг тўйиб овқатланмаслик муаммоси кун тартибида турган шароитда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш жуда катта ижтимоий масалага айланиб бормокда. «Дунёда тўйиб овқатланмаслик даражасини пасайтириш, овқатланиш ва соғлиқни сақлаш даражасини яхшилаш борасида инкор этиб бўлмайдиган ютуқларга қарамай, қарийб 800 миллион киши очликдан ва 2 миллиард киши микроэлементлар етишмаслигидан азият чекмокда»<sup>1</sup>. Шу жиҳатдан ҳам бугунги кунда мураккаб таъминот занжирларига боғлиқ озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантириш ва маҳсулот экспортини кенгайтириш йўналишидаги чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилмокда.

Дунёда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, очлик ва қашшоқликни камайтиришнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантириш борасида амалга оширилаётган тадқиқотларда экономик моделлаштиришга алоҳида аҳамият берилмокда. Амалга оширилаётган тадқиқотларда озиқ-овқат маҳсулотлари сифатини инновацион ёндашувлар асосида ошириш, соҳанинг муҳим хомашё базаси бўлган қишлоқ хўжалигини саноат ишлаб чиқариш билан уйғун тараққий эттириш, истеъмол жараёнини рационаллаштириш борасидаги тадқиқотларда экономик моделлаштириш муҳим аҳамият касб этмокда.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотларига талабини янада тўлароқ қондириш ҳамда озиқ-овқат саноатини самарали ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмокда. «Мева-сабзавот, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалиги озиқ-овқат маҳсулотларини халқаро сифат стандартлари асосида қайта ишлаш ҳажмларини ошириш, ички ҳамда ташқи бозорларда рақобатбардош бўлган маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари турларини ишлаб чиқаришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини жорий этиш ҳамда аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни янада яхшилаш»<sup>2</sup> вазифаси белгиланган. Бу борада замонавий моделлаштириш усул ва йўлларида фойдаланган ҳолда озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг услубий ёндашувларини такомиллаштириш, тармоқни статистик таҳлил ва модернизациялаш жараёнини моделлаштириш, ишлаб чиқариш тенденциясини прогнозлашнинг

<sup>1</sup> Food and Agriculture Organization of the United Nations. "The future of food and agriculture – Trends and challenges" Rome. 2017

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори.

кўп омилли эмпирик моделларини асослаш сингари йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сон «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 10 августдаги ПҚ-3194-сон «Тошкент вилоятида кичик саноат зоналарини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2020 йил 11 майдаги ПҚ-4709-сон «Республика худудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2020 йил 9 сентябрдаги ПҚ-4821-сон «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш ва прогнозлашнинг назарий ва амалий жиҳатлари, тармоқлараро баланс моделларини тузиш, техник тараққиёт ва иқтисодий ўсишни эконометрик тадқиқ этиш масалалари Ч.Кобб, П.Дуглас, В.Леонтъев, Р.Солоу, А.Волтес, Н.Калдор, Р.Шепард, Г.Тейл, Р.Пиндайк, Ж.Моор, А.Льюис, Х.Хаустейн, Р.Лукас, М.Хироока, Ж.Медсэн, Ф.Хайек, М.Комби<sup>3</sup> сингари хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида чуқур тадқиқ этилган.

Саноат ишлаб чиқариш ва озиқ-овқат саноати жараёнларини моделлаштириш ва прогнозлаш, ишлаб чиқаришни кўп мезонли оптималлаштириш, саноатнинг минтақавий ривожланиши ва унинг кўп ўлчовли динамикасини таснифлаш масалалари Н.А.Бурмистров, Т.Ю.Анопченко, А.И.Новицкая, Л.В.Канторович, М.С.Шашнов, Н.К.Садекова, К.А.Кирдасинова, А.Д.Межевов, В.Н.Бурков, Н.Г.Андронникова, В.А. Колемаев, С.В.Клементьева, В.С.Муравьева,

---

<sup>3</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. Vol. 22. July. P. 3-42. 1988; Hirooka M. Innovation Dynamism and Economic Growth. A Nonlinear Perspective. - Cheltenham, UK - Northampton. MA, USA «Edward Elgar», 2006; Madsen J.B. «Semi-Endogenous versus Schumpeterian Growth Models: Testing the Knowledge Production Function using International Data». Journal of Economic Growth, forthcoming, 2008; ХайекФ. Ценныипроизводство. Челябинск: Социум, 2008; McCombie J.S.L., Spreafico M.R.M. Kaldor's «technical progress function» and Verdoorn's law revisited. Cambridge Journal of Economics, 2015.

А.И.Орлов сингари олимларнинг илмий изланишларидан кенг жой эгаллаган<sup>4</sup>.

Бошқа мамлакатлар сингари ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш масалалари республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борадаги илмий қизиқишлари предмети бўлиб келмоқда. Жумладан, мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари В.Қ.Қобулов, С.С.Гулямов, Н.К.Аимбетов, Т.Ш.Шодиев, О.М.Абдуллаев, Р.Х.Алимов, Б.Ю.Ходиев, Н.М.Махмудов, Б.Т.Салимов, Ш.Р.Холмўминов, С.К.Салаев, Б.А.Бегалов, Р.Т.Далимов, Х.С.Мухитдинов, И.С.Абдуллаев, А.Т.Кенжабаев, С.А.Умаров, С.О.Хомидов, С.Р.Адизов ва бошқаларнинг<sup>5</sup> илмий ишларида ишлаб чиқаришни моделлаштириш ва прогнозлаш, мураккаб экологик вазиятлар шароитида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни моделлаштириш, кичик бизнеснинг ривожланиш тенденцияларини прогнозлаш, барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари, қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ меҳнат бозорининг шаклланиши ва ривожланишини моделлаштириш масалалари чуқур ва кенг тадқиқ этилган.

Бироқ юқоридаги илмий тадқиқотларда республика озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Тадқиқот ишида республика озиқ-овқат саноати ривожланишининг ҳозирги ривожланиш хусусиятлари ва жараёнлари эътиборга олинган бўлиб, бу эса танланган

---

<sup>4</sup>Бурмистров Н.А. Формирование модернизационной стратегии развития предприятий пищевой промышленности: автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Саратов, 2011.; Анопченко Т.Ю., Новицкая А.И. Динамика и тенденции развития пищевой промышленности в современных условиях России [электронный ресурс]: <https://cyberleninka.ru/article/n/dinamika-i-tendentsii-razvitiya-pischevoy-promyshlennosti-v-sovremennyh-usloviyah-rossii>; Садекова Н.К. Развитие пищевой промышленности России в условиях импортозамещения [электронный ресурс]: <https://creativeconomy.ru/lib/35798>; Межевов А.Д. Современные тенденции развития отечественной пищевой промышленности. // Экономические науки, 2012-1(86); Андронникова Н.Г., Баркалов С.А., Бурков В.Н., Котенко А.М. Модели и методы оптимизации региональных программ развития. – М.: ИПУ РАН, 2001; Колемаев В.А. Математическая экономика. – М.: Юнити, 2005; Клементьева С.В. Применение теории нечетких множеств для измерения и оценки эффективности реализации наукоемкой продуктовой инновации. // Заводская лаборатория. Т.72. №11. 2006; Муравьева В.С., Орлов А.И. Организационно-экономические проблемы прогнозирования на промышленном предприятии. // Управление большими системами. Выпуск 17. – М.: ИПУ РАН, 2007.

<sup>5</sup>Гулямов С.С. Проблемы моделирования развития территориально-промышленных комплексов. Дисс. на соиск. учен. степ. докт. экон. наук. – М., 1974; Шодиев Т.Ш. Проблемы моделирования развития сельского хозяйства (на примере Узбекистана): Дис... докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1988; Абдуллаев А.М. Региональные проблемы прогнозирования научно-технического прогресса в промышленности. Автореф. дисс., на соиск. докт. экон. наук. – Т., 1989; Алимов Р.Х. Прогнозный анализ и управление развитием хлопковопромышленных комплексов. Дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1993; Ходиев Б.Ю. Ўзбекистон иқтисодида тадбиркорлик ривожини эконометрик моделлаштириш: Икт. фан. докт. дис... автореф. – Т.: ТДИУ, 2000; Махмудов Н.М. Моделирование производственно-экономических процессов хлопкоперерабатывающих отраслей: Дисс. докт. экон. наук. – Т.: ТГЭУ, 1993; Салимов Б.Т. Моделирование использования и развития производственного потенциала региона. – Т.: Ўқитувчи, 1995; Салаев С.К. Кичик бизнес ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш ва башоратлаш (Ўзбекистон Республикаси мисолида): Икт. фан. докт. дис... автореф. – Т.: ТДИУ, 2008; Кенжабаев А.Т. Эконометрическое моделирование развития промышленности города: на примере города Алмалыка: Дис... канд. экон. наук. – Т., 1990; Умаров С.А. Моделирование развития производственной структуры локального территориально-хозяйственного комплекса (на примере Сырдарьинского ЛТХК Республики Узбекистан). – Т., 1993; Хомидов С.О. Саноатнинг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш (Ўзбекистон Республикаси мисолида). – Т., 2018; Адизов С.Р. Солиқ юкининг макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсирини моделлаштириш ва прогнозлаштириш. –Т., 2018.



тадқиқот мавзусининг долзарблиги, мақсади ҳамда унда ҳал этиладиган масалалар доирасини белгилашга кенг имкониятлар яратиб беради.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-154-сонли «Миллий иқтисодиёт таркибий ўзгаришининг ялпи ички маҳсулот ўсишига таъсирини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** озиқ-овқат саноатини ривожлантириш тенденцияларини моделлаштириш асосида соҳани барқарор ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

миллий иқтисодиётни ривожлантиришда озиқ-овқат саноати тармоғининг тутган ўрнини асослаш, унинг ривожланиш босқичи ва хусусиятларини аниқлаш;

озиқ-овқат саноати тармоғининг ривожланиш тенденцияларини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаш ва моделлаштириш муаммоларини ёритиш;

республика озиқ-овқат саноатининг ривожланиш трендлари, унинг тармоқ тузилишидаги таркибий ўзгаришлар ҳамда озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш тизимидаги ўзаро боғлиқ омилларни моделлаштириш;

республика озиқ-овқат саноатининг иқтисодий ривожланиш жараёнларини моделлаштиришни такомиллаштириш;

озиқ-овқат саноатининг ишлаб чиқариш ҳажмини прогнозлаш ва уни Ўзбекистонга жорий этиш муаммо ва истикболлари бўйича илмий таклифлар тизимини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат саноати тармоғи ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** республика озиқ-овқат саноатининг ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва уларни моделлаштириш жараёнлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда статистик таҳлил, эмпирик баҳолаш, иқтисодий-математик, тизимли тенгламалар модели, омилли таҳлил, эксперт баҳолаш, сўров, танланма кузатув, эконометрика усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

республика озиқ-овқат саноатидаги таркибий ўзгаришларни моделлаштириш жараёнида ўн иккита асосий озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳини ишлаб чиқариш таркиби учун 0,43 – 41,68 оралиғида эталон қийматлар аниқланган;

озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда кўп омилли эмпирик ёндашув ва мақсадли моделлаштириш индексларини қўллаш ишлаб чиқариш



тенденциясининг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқишда экспорт улуши ва таркибий ўзгаришларни эътиборга олган ҳолда такомиллаштирилган;

озик-овқат саноатининг статистик таҳлили ва модернизациялашни баҳолаш методикаси соҳа хусусияти асосида маҳсулотлар ишлаб чиқаришда ўртача оғишлар, тебраниш, корреляцион боғланиш, аппроксимация ва детерминация қийматлари ҳамда ишлаб чиқариш функцияси каби муҳим таъсир омилларини комплекс аниқлаган ҳолда такомиллаштирилган;

миллий озик-овқат саноатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш модели таҳлил ва прогноз жараёнида ишлаб чиқаришга инвестицияларни (К) устувор киритиш ва янги технологияларни жадал жорий этиш негизида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

республика озик-овқат саноатининг макроиктисодий ривожланиш тенденцияларидаги муаммолар аниқланган ва озик-овқат саноат тармоқларининг ривожланиш тенденцияларини ифодаловчи тренд тенгламалар ишлаб чиқилган;

озик-овқат саноатининг интенсив ўсиш суръатларига таъсир этувчи омиллар аниқланган ва озик-овқат саноатининг ишлаб чиқариш самарадорлиги баҳоланган ҳамда озик-овқат саноати тармоғидаги даврий ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилмаси фаолияти баҳоланган;

республика озик-овқат саноатининг ривожланиш даражалари баҳоланган ҳамда озик-овқат саноат тармоғини мутаносиб ривожлантириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

озик-овқат саноати ишлаб чиқаришнинг ижтимоий, иқтисодий ҳолатларини баҳолаш имкониятлари аниқланган.

**Олинган натижаларнинг ишончлилиги.** Диссертацияда фойдаланилган ахборот базасининг ишончлилиги уларнинг расмий манбалардан олинганлиги, моделлаштириш ва прогнозлаш ёрдамида олинган натижаларнинг ишончлилиги уларнинг турли статистик мезонлар ёрдамида баҳоланганлиги, ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг ишончлилиги эса, республика озик-овқат саноатини ривожлантириш бўйича қабул қилинган устувор йўналиш ва дастурларга қай даражада мувофиқлиги ҳамда тегишли хулосаларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этишга қабул қилинганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, диссертацияда ёритилган миқдорий усуллардан республика озик-овқат саноатининг ривожланиш тенденциясини таҳлил қилиш ҳамда унинг ўзгаришларини прогнозлаш, олинган натижалардан озик-овқат саноатини узоқ муддатли ривожлантириш истиқболларини белгилаш ва бу борада муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертацияда олинган таҳлилий маълумот ва моделлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг амалий фаолиятида фойдаланилганлиги, хусусан, амалиётга тақдим этилган асосий динамик моделларга ўзгарувчи омилларни киритиш натижасида республика озик-овқат саноати ривожланишининг

келгуси вариант ҳисоблари ҳосил бўлиши ва у турли иқтисодий ривожланиш вариантларини ишлаб чиқиш имкониятини бериши билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Озиқ-овқат саноати ривожланиш тенденцияларини эконометрик моделлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

республика озиқ-овқат саноатидаги таркибий ўзгаришларни моделлаштириш жараёнида ўн иккита асосий озиқ-овқат маҳсулотлари гуруҳи ишлаб чиқариш таркиби учун ишлаб чиқилган эталон қийматлардан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан «Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом»ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги 01/4-10-15/2-68-сон маълумотномаси). Бу натижалардан фойдаланиш республика ҳудудларининг озиқ-овқат саноати истиқболдаги таркибий ўзгаришларини баҳолаш аниқлигини оширишга хизмат қилган;

озиқ-овқат соҳасини ривожлантиришда кўп омилли эмпирик ёндашув ва мақсадли моделлаштириш индексларини мақсадли прогнозларни эътиборга олган ҳолда қўллаш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан «Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом»ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги 01/4-10-15/2-68-сон маълумотномаси). Бу моделлардан фойдаланиш натижасида республика озиқ-овқат саноати маҳсулотининг ўсиш суръати прогнозидаги аниқлик даражасини оширишга хизмат қилган;

озиқ-овқат саноатининг статистик таҳлил қилиш ва модернизациялашни баҳолаш методикасини такомиллаштириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг «Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом»ни такомиллаштириш фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги 01/4-10-15/2-68-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида ҳудудларни модернизациялаш кўрсаткичларини коррекциялаш ва янада аниқлаштириш имконияти яратилган;

миллий озиқ-овқат саноатининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш модели бўйича таҳлил ва прогноз жараёнида ишлаб чиқаришга инвестицияларни (К) устувор киритиш ва янги технологияларни жадал жорий этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан «Саноат ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми қийматини баҳолаш бўйича услубий низом»ни такомиллаштиришда фойдаланилган (Давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 18 мартдаги 01/4-10-15/2-68-сон маълумотномаси). Таклифлардан фойдаланиш натижасида республика озиқ-овқат саноати маҳсулотининг умумий ҳажмини мониторинг қилиш жараёнини такомиллаштиришда хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари, 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 13 та илмий иш, шундан 3 та маҳаллий журналларда, 3 та халқаро журналларда мақола, 7 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, учта боб, 9 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган бўлиб, унинг ҳажми 132 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти изоҳлаб берилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Озиқ-овқат саноатининг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тармоқнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш тенденциясини моделлаштириш назариялари ўрганилган ва тизимлаштирилган. Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, Ўзбекистон Республикаси ва хориж мамлакатларининг озиқ-овқат саноати динамикасининг тренд моделлари таҳлиллари ёритилган.

Озиқ-овқат саноатининг вазифаси аҳолининг тўғри ва баланслаштирилган овқатланиш рақибини шакллантириш учун етарли ҳажмда, сифатли, хавфсиз ва хилма-хил озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга қаратилганлигидир.

Мутахассисларнинг фикрича, инсон саломатлиги ва умри давомийлигининг 70 фоизи унинг овқатланиш ва ҳаёт тарзига, 20 %и тиббий хизмат ҳолатига ва 10 %и унинг ҳаётга туғма кўрсаткичларига боғлиқ. Таъкидланган маълумотлар инсон умрини узайтириш ва саломатлик ҳолатини яхшилашда озиқ-овқат маҳсулотлари ва уни ишлаб чиқарувчи саноатнинг аҳамияти юқори эканлиги ҳақида аниқ тасаввур беради.

Хорижлик олимларининг прогнозига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларининг етишмаслиги муаммоси яқин келажакда дунёда долзарб масалага айланиши мумкин. Бирлашган миллатлар ташкилотининг прогнозида таъкидланишича, очликдан ташқари, тўхтовсиз ошиб бораётган аҳоли сони истеъмол қилаётган озиқ-овқат миқдори ва сифати пасайишига олиб келмоқда. 2 миллиард киши ёки дунё аҳолисининг 25,9 фоизи очликни бошдан кечирди ёки 2019 йилда тўйимли ва етарлича озиқ-овқат олиш имконига эга бўлмаган. Агар биз зудлик ва жасорат билан ҳаракат қилмасак, бу вазият ёмонлашиши мумкин ва бу эса истикболда озиқ-овқат танқислиги кучайишига олиб келади<sup>6</sup>.

<sup>6</sup> FAO, IFAD, UNICEF, WFP and WHO. 2020. The State of Food Security and Nutrition in the World 2020.

Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) тавсияси бўйича ҳар бир киши суткалик овқатланиш рационининг калория миқдори аҳоли озиқ-овқат билан таъминланганлигининг энг умумлашган кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳозирги кунда озиқ-овқат маҳсулотларини ўртача суткалик истеъмол қилиш Европа Иттифоқи мамлакатларида 3390, АҚШда – 3650, Лотин Америкасида – 2790, ривожланаётган Осиёда – 2650 ккални ташкил этади. Суткали овқатланиш рационаи Ўзбекистонда ўртача 2700 – 2800 ккал. Суткали овқатланиш калориялиги даражасини ошириш, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш ва халқ фаровонлигини юксалтириш билан боғлиқ<sup>7</sup>.

Тизим сифатида озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг ривожланиш истиқболларини аниқлаш вазифаси мураккаб ва ўзаро боғлиқ, бир-бирини тўлдирувчи, аммо айна пайтда сезиларли даражада фарқ қилувчи қисмлардан иборат:

илмий асосланган рационал меъёрлар, истеъмол ва талаб тузилмалари асосида амалга ошириладиган тайёр озиқ-овқат маҳсулотларига талабни аниқлаш (яъни мақсадли ёндашувни амалга ошириш);

объектив чеклаш шартларини ҳисобга олган ҳолда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг мумкин бўлган ривожланиши ва жойлашини аниқлаш.

Мувофиқлаштириш натижасида тизимли ёндашув принципини амалга ошириш (масалан, бир вақтнинг ўзида биргаликда қарор қабул қилиш жараёни), истеъмолчилар талаби ва ресурслари, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг умумий ривожланиш йўналишлари шаклланимоқда. Ўз навбатида, иккинчи қисмда озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатини моделлаштириш ёндашувига мувофиқ ҳам иккита қисмга бўлиш мумкин:

периферик, яъни тайёргарлик қисми, унда ривожланиш даражаларини ҳисоблаш учун турли хил модел ва усуллар, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари маҳсулдорлиги, ишлаб чиқариш харажатлари, меҳнат унумдорлиги, пул ва меҳнат харажатлари ва бошқа кўрсаткичлар, шунингдек, ер ресурсларини қўллаб-қувватлаш, ишчи кучи, асосий воситалар, капитал қўйилмалар ва ҳоказолар;

оптималлаштириш қисми, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноатининг тармоқ ва комплексларини ривожлантириш ва жойлаштириш учун чизиқли-динамик (ёки статик) тармоқлараро модель ва унинг мақсадли озиқ-овқат саноатини ривожлантириш ва жойлаштириш учун чизиқли-динамик тармоқлараро моделларни ўз ичига олган. Ушбу икки гуруҳни, яъни статик ва оптималлаштириш усулларини чуқурроқ ўзаро боғлаш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, тадқиқотда озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденциясини моделлаштириш муаммоларидан бири моделлаштиришгача бўлган муаммолар, яъни статистик маълумотларнинг ахборотлашганлик даражаси, иқтисодий фаолиятни таснифлашдаги муаммолар, статистик маълумотларнинг аниқлик даражаси, шунингдек, моделлаштириш

---

Transforming food systems for affordable healthy diets. Rome, FAO. <https://doi.org/10.4060/ca9692en>

<sup>7</sup> Туробжонов С.М ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси озиқ-овқат саноати: қисқача тарихи; ривожланиш истиқболлари; муаммолари. – Т.: Фан ва технология, 2014. – 410 б.

жараёнидаги муаммолар (эконометрик моделлар учун), уларга: статистик кўрсаткичлар динамикасининг етарлича катта бўлиши, стационарлик, мультиколлинеарлик, автокорреляция ва гетроскедастиклик киради. Бу эса ишлаб чиқилиши кўзда тутилувчи моделларнинг сифатига ўз таъсирини кўрсатади.

Диссертациянинг «**Озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденцияларини моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида озиқ-овқат саноатининг ривожланиш динамикасини моделлаштириш тадқиқотлари асосида ўрганилган. Унда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган усуллар асосида озиқ-овқат саноатида таркибий ўзгаришлар ва тармоқ ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштириш ёрдамида моделлар тузилган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамик тенденциясини моделлаштириш MS Excel ёрдамида амалга оширилди. Вақтнинг чизикли функциясини тренд модели сифатида олиб, даврлари бир бирликка ошиши озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўртача 3713,5га ошишини изоҳлайди. Олинган чизикли тренд модели учун  $R^2$  аниқлаш коэффициенти 0,95 ни ташкил этди. Фишер мезонининг қиймати  $F = 183.18$  га тенг ва бу тренд тенгламасининг 5 % даражадаги аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин. Шундай қилиб, сўнгги ўн йилда кузатилган тенденцияни сақлаб, 2020 йилда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш улуши 46281,9 ни ташкил этади, деб изоҳлаш мумкин.

Шунингдек, тармоққа ташқи омилларнинг таъсири ҳам баҳоланди. Асосий омил сифатида озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш ( $Y$ -food.ind), унга таъсир этувчи омиллар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ( $X_1$ -agrc) ва хизматлар( $X_2$ -serv)нинг параметрлари 1-жадвал маълумотлари асосида СТАТА эконометрик амалий дастури орқали классик чизикли модель (1) тузиб олинди.

$$Y = 0.0768651 \cdot X_1 + 0.1943856 \cdot X_2 + 608.9494, \quad (1)$$

яъни:

$$food.ind = 0.0768651 \cdot agrc + 0.1943856 \cdot serv + 608.9494. \quad (2)$$

2-регрессия моделига асосан қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг бир миқдорга ўзгариши, яъни бошқа омиллар нолга теглашганда озиқ-овқат, ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш 0.0769 миқдорга ошишига олиб келади. Агар хизматлар бир бирликка ошса, яъни бошқа омиллар нолга теглашганда асосий омил 0.1944 бирликка ошиши 97 фоиз эҳтимоллик асосида изоҳланади.

Олинган чизикли классик модель учун  $R^2$  аниқлаш коэффициенти 0,97ни ташкил этди. Фишер мезонининг қиймати  $F = 153.01$  га тенг ва бу кўп омилли регрессия тенгламасининг 5 % даражадаги аҳамиятли эканлигини кузатиш мумкин. Шундай қилиб, сўнгги ўн йил ичида кузатилган тенденцияни сақлаб, 2020 йилда ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқариш улуши 53791.12 ни ташкил этади деб изоҳлаш мумкин. Агар қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 165423.92 га ва хизматлар 208178.26 га тенг бўлса, асосий ўзгарувчи (food.ind- $Y$ ) юқорида таъкидланган қийматга эришишини интервал усул асосида прогноз қилиш мумкин.

Ўзбекистон Республикасини 2030 йилга қадар ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш концепциясига кўра, саноатнинг локоматив тармоқларидан бири бўлган озиқ-овқат саноати улушини 2030 йилда 130 фоизга ошириш режалаштирилган. Шу ўринда мамлакат озиқ-овқат саноати ривожланиш тенденцияси Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясидан фойдаланган ҳолда эмпирик таҳлил қилинди.

Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясининг стокастик шакли куйидагича ифодаланади:

$$Y = f(K, L) = AK^{\alpha}L^{\beta}e^U. \quad (3)$$

Бу ерда:  $Y$  = ишлаб чиқариш ҳажми,  $K$  = капитал,  $L$  = меҳнат,  $U$  = стохастик хатолик чегараси,  $e$  = натурал логарифм асоси.

Таҳлил натижасида куйидаги модель тузилди:

$$Y = 4,374 \cdot K^{0,562} \cdot L^{0,484}. \quad (4)$$

Шунингдек, эконометрик таҳлил натижаларидан куйидагича хулоса қилиш мумкин. Биринчидан, топилган регрессия тенгламасига кўра озиқ-овқат саноатидаги ишчилар сони ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатмоқда ва асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажми ҳам ишлаб чиқариш ҳажмига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, қиёсий нутқтаи назардан таҳлил қилинса, бу ерда ходимлар сони ошиши инвестициялар ҳажми ошишига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, демак, озиқ-овқат саноатида экстенсив ўсиш имкониятлари интенсив ўсиш имкониятларига нисбатан кўпроқ. Яъни янги корхоналар ташкил этилиши, мавжуд корхонларда янги асосий воситалар сотиб олиб, ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштиришга нисбатан маҳсулот ҳажми ошишига кўпроқ таъсир кўрсатади.

Албатта, бу озиқ-овқат маҳсулоти соҳасидаги корхоналар янги инвестицион лойиҳалар билан шуғулланмаслиги керак деган хулосани бермайди. Қиёслаб таҳлил қилинса, экстенсив ўсиш имкониятлари кўпроқ эканлиги намоён бўлади.

Учинчидан, одатда Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функцияларида коэффициентлар йиғиндиси 1 га тенг бўлади. Бу доимий мутаносиб қайтимлар (Constant returns to scale) қоидаси дейилади. Бу тенгламада, ушбу қиймат 1 дан катта. Демак, мамлакатимизда озиқ-овқат саноатини ривожлантириш катта истикболга эга ва бу соҳага йўналтирилган инвестициялар ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмининг барқарор ошишига имкон яратади.

Шунингдек, мазкур тадқиқотда озиқ-овқат саноати тармоғидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш ва ундаги муҳим миқдорий ўзгаришларни тадқиқ этиш масалаларига асосий эътибор қаратилган. Тадқиқотда озиқ-овқат саноати ишлаб чиқаришидаги таркибий ўзгаришларни баҳолаш масаласи «мутаносиблик коэффициенти» ҳамда «такомиллаштирилган Lilien индекси» каби усуллар ёрдамида амалга оширилган.

Эмпирик таҳлил натижаларига кўра, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг шакллантирилган эталон таркиби ҳамда 2010-2018 йиллар

давомида шаклланган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркиби ўртасидаги мос мутаносиблик коэффициентларининг қийматлари топилди.

Тадқиқотнинг таҳлил натижалари жами озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2012 йилда шаклланган таркиби бошқа йилларда шаклланган таркибларига нисбатан самарали эканлигини тасдиқлади. Чунки мутаносиблик коэффициентининг мазкур йилда олинган эмпирик қийматлари асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг эталон таркибига жуда яқин эканлигини кўрсатади.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидаги умумий ўзгаришлар динамикасида кўриниб турибдики, *MLI* индексининг қиймати 2011-2015 йиллар оралиғида барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар *MLI* индексининг динамикасини *Nishi* тадқиқотларининг хулосалари асосида баҳоласак, у ҳолда асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби 2015-2018 йиллардаги ўзгаришлар юқори суръатларда давом этганини қайд этиш мумкин.

Илмий хулосаларга кўра, мутаносиблик коэффициенти мазмунан баҳоланаётган таркиб ва эталон таркиб ўртасидаги яқинликнинг сонли ўлчовини ифодалайди. Улар тўлиқ мос келса, мазкур коэффициент 1 га тенг бўлади.

Агар ҳисобланган мутаносиблик коэффициентининг қиймати 1дан қанчалик узоқлашса, шунчалик тадқиқ этилаётган йилда шаклланган таркиб эталон таркибдан фарқ қилади ва аксинча, мутаносиблик коэффициенти 1га қанчалик яқинлашса, шунчалик тадқиқ этилаётган йилда шаклланган таркиб эталон таркибга яқин бўлади. Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг 2017 йилда шаклланган таркиби бошқа йилларда шаклланган таркибларга нисбатан «энг самарали» деб топилди.

Асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркибидаги умумий ўзгаришлар динамикаси, *MLI* индексининг 2015 – 2018 йиллар оралиғидаги ўсиш тенденциясини барқарор эканлигини тасдиқлади. Озиқ-овқат саноати иқтисодиётнинг энг юқори технологияли тармоғи эканлиги эътиборга олинса, 2018 йилда 15.96 фоиз кўрсаткични ташкил этгани, муаллифнинг фикрича, етарли эмас. Шу муносабат билан мазкур тармоқнинг республикамиз ишлаб чиқариш саноатидаги ва ЯИМ таркибидаги улушини ошириш мақсадида мазкур тармоққа инновацион ишланмаларни кенг жорий этиш, бу борада юқори малакали кадрлар тайёрлаш ва улар сифатини ошириш, инновацион технология ва хорижий инвестицияларни тармоққа кенг жалб этиш, ўз навбатида, маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг учинчи боби «**Озиқ-овқат саноати ривожланиш тенденциясини моделлаштиришни такомиллаштириш**» деб номланган бўлиб, унда озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялашни баҳолаш ва таснифлаш, тармоқнинг ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштиришни такомиллаштириш ҳамда озиқ-овқат саноатининг ривожланиш тенденцияси прогнози келтирилган.



Озиқ-овқат саноати тармоқларининг ривожланиши банк, суғурта, алоқа, савдо ва транспорт сингари хизмат соҳалари ривожланишига кучли таъсир кўрсатади. Айниқса, хизмат кўрсатиш соҳасининг бир қанча тармоқлари озиқ-овқат саноатига бевосита боғлиқ бўлиб, мазкур хизматларсиз озиқ-овқат саноати товарлари тегишли манзилга етиб бормайди. Шунингдек, озиқ-овқат саноати илмий тадқиқот, улгуржи ва чакана савдо, маиший овқатланиш шохобчалари ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Озиқ-овқат саноати тармоқларини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этади, бундай мақсадларга эришишда унинг тармоқларини модернизациялаш жуда муҳим.

Озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган технологик янгиланишлар жараёни тармоқдаги технологик қолоқликни бартараф этиш воситаси ҳисобланади ҳамда меҳнат ва моддий ресурслардан самарали фойдаланиш имкониятини беради. Ўз навбатида, техник ва технологик янгиланишлар жараёнининг натижаси юқори технологик рақобатбардош ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиш шартини белгилаб беради.


Аммо саноат ва озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялаш мураккаб жараён бўлиб, у кўп вақт ва маблағ талаб этади. Бошқа томондан, бундай мураккаблик технологик ривожланишни миқдорий баҳолаш имкониятининг нисбатан чекланганлиги ва статистик кўрсаткичлар етарли эмаслиги билан изоҳланади. Шунинг учун ҳам республика озиқ-овқат саноати тармоқларини модернизациялаш бўйича қарорлар қабул қилишда эксперт-мутахассислар фикридан фойдаланиш бу борада мақсадга мувофиқ.

Кўзда тутилаётган усулнинг афзал жиҳати шундан иборатки, бунда мураккаб ривожланиш жараёнларини миқдорий баҳолаш имконияти етарли бўлмай, муайян жараён ёки объектга нисбатан шахсий фикрларни шакллантириш талаб этилса, ушбу усулга мурожаат қилинади ва соҳа мутахассисларининг фикрларига таянган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинади. Тадқиқотда эксперт сўров усулининг миқдорий жиҳатларига асосий эътибор қаратилади.

Эксперт баҳолаш усулини қўллаш жараёнида асосан экспертларни танлаш ва эксперт гуруҳларини шакллантириш, уларнинг компетентлик даражасини баҳолаш, экспертлар фикрларининг келишувчанлик даражасини аниқлаш, экспертлар томонидан маълумотларни қайта ишлаш ва олинган натижалар юзасидан муайян қарорлар қабул қилиш масалалари ўрганилади.


Эксперт гуруҳи аъзоларидан «Озиқ-овқат саноати тармоқларидаги мавжуд технологияни алмаштириш ҳозирги кунда қай даражада зарур?» мазмунидаги саволга жавоб бериш талаб этилди. Бу саволга жавоб топиш мақсадида экспертлар томонидан «10 баллик баҳолаш шкаласи» қабул қилинди. Мазкур баҳолаш шкаласи қуйидан юқорига томон ўсиб боради ва унинг юқорилаб бораётган қийматлари мос равишда экспертлар томонидан тегишли озиқ-овқат саноати тармоқларида мавжуд технологияни алмаштиришнинг қай даражада зарурлигини намоён этади.

Олинган таҳлил натижаларига кўра, танланган экспертлар орасида 5-экспертнинг компетентлик даражаси энг юқори ва 6-экспертнинг компетентлик даражаси эса энг куйи бўлиб чиқди:



**3-расм. Экспертларнинг компетентлик даражалари ( $K_i$  - коэффицентда)**

Озиқ-овқат саноатининг асосий тармоқларига экспертлар томонидан кўрсатилган баллар динамикасидаги вариация коэффицентлари куйидаги тенденцияга эга бўлди:



**4-расм. Озиқ-овқат саноатининг асосий тармоқларига экспертлар томонидан кўрсатилган баллар динамикасидаги вариация коэффицентлари тенденцияси (фоизда)**

Таҳлил натижаларига асосан, тармоқларни модернизациялаш бўйича қарорлар қабул қилишда экспертлар фикрининг келишувчанлик даражаси, яъни конкордация коэффиценти  $W=0.025$ ни ташкил этгани ҳолда ушбу қиймат Харрингтон вербал-сонли шкаласининг 2-тартиб рақамли оралиғида жойлашди.

Олинган таҳлил натижаларига кўра, озиқ-овқат саноати тармоқларида мавжуд технологияни алмаштириш бўйича қарор қабул қилишда экспертлар фикрининг келишувчанлик даражаси аҳамиятли бўлиб ( $W=0.025$ ), унга асосан ҳозирда озиқ-овқат саноати тармоқларида янги технологияни жорий этиш мақсадга мувофиқ эмас, деб топилди.

Агар Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функциясига озиқ-овқат саноатининг таркибий ўзгаришидаги мутаносиблик коэффиценти ( $M$ ) ҳисобга олинса, у ҳолда куйидаги кўп омилли ишлаб чиқариш функцияси ҳосил бўлади:

$$Y = f(K, L, M). \quad (5)$$

Ифодаланган (5) функцияни анъанавий Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш функцияси кўринишида ифодалаш мумкин:

$$Y = AK^{\alpha}L^{\beta}M^{\mu}e^u, \quad (6)$$

